



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Уралова Гулжакон

*Самарқанд Давлат Университети Каттақўргон Филиали 1-босқич  
талаабаси*

**ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТИГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ**

## Аннотация

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилияtlари ва касбий фаолиятини сифатли, самарали ташкил этишига замин яратади. Ўқитишининг дидактик таъминотини креатив ёндашув асосида ташкил этиш, дарс жараёнининг самарадорлигини кафолатлади.

**Калит сўзлар:** Креативлик, педагогик фаолият, мултимедия, таълим-тарбия, ахборот, технология, ижодкор, истедод, конструктив, фоя, қўникма.

Ўзбекистан Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон майдонида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи кўп жиҳатдан бугунги ёш авлоднинг билимдон, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир. Бунинг учун бугунги кунда Республикаизда кўплаб муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар замирида нафақат бугунги ёш авлодни, келажак авлодни ҳам инсоният ва жамиятнинг барқарор суратда ривожланишига ўз тасирини ўтказа оладиган қилиб тарбиялаш мақсади ётибди. Бу мақсадни умуммиллат мақсади, керак бўлса, умумбашарият мақсади десак ҳам асло муболага бўлмайди. Шундай экан уни амалга ошириш учун, шунчаки чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш камлик қиласи.

Шу ўринда мухтарам президентимиз Ш.Мирзиёев давлат ва жамиятнинг эртанги кунини белгилайдиган авлодни тарбиялаш борасида бир нечта ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Биз фикр юритмоқчи бўлаётган мавзу нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсақ, энг



аввало Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил қилиниши, халқимиз хаёти учун жуда катта ислоҳот бўлди.

Дунё тамаддунинг бешигини тебратган халқ қонининг яна қайта тикланаётгани эмасми бу? Фарзандларимизнинг боғча ёшиданоқ профессонал тарбия олиши йўлидаги жуда ўринли ва айни вақтда ўта зарур ислоҳот бўлди. Бизнинг ота-боболаримиз фарзанд тарбияси она қорнидаёқ бошланишини таъкидлаб ўтишган.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қарашиб, шарқона ҳаёт фалсафаси”dir. Бу фикр бугунги кунда Мактабгача таълим тизими ходимларининг ҳам фаолият меъзонини белгилай бошлади. Натижада Мактабгача таълим тизими учун олий маълумотли мутахассислар етиштириш эҳтиёжи туғилди ва Олий таълим тизимида маҳсус йўналишлар очилди. Жадал ривожланиш йўлидаги жамият учун тарбиячи эмас, профессонал тарбиячи-педагоглар кераклиги инкор қилиб бўлмас факт бўлиб, унга самарали ечимнинг топилиши ҳам ривожланиш учун ташланган катта қадам, катта ислоҳот!

Фарзандларимизнинг яхши тарбия ва таълим олиши ҳар бир оила учун қувонч, баҳт-саодат, руҳий ва иқтисодий бойлик келтириб қолмай, шу билан бирга, жамиятимиз учун ҳам маънавий ҳам сиёсий аҳамиятга эгадир. Бу борада гап кетар экан, аввало тарбиячи-педагоглар фаолиятининг самарадорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бугунги кунда тарбиячи-педагогларнинг олий маълумот эгаси бўлиши билан бир қаторда, замон талабларидан келиб чиқиб, унинг креатив фикрлаш даражаси ҳам ниҳоятда муҳим саналади.

Шу ўринда «креативлик» тушунчасига қичқача тўхталиб ўтсак. Креативлик-(инглизча “create”- яратиш, “creative”-яратувчи ижодкор)- индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёргарликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибиға кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди.

Тарбиячи-педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг касбий фаолиятини сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган тарбиячи-педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари, бу тарбия ва ўқув жараёнларини ташкил этишда анъанавий ёндошишдан фарқли ўлароқ янги ғоялар ўйлаб топиши, ташаббускорлик қилиши, яъни бир қолипда фикрламаслиги, янгича усувлардан фойдалана олишлари каби бир қатор имкониятларни юзага келтиради.

Тарбиячи-педагогнинг ўз ишига креатив ёндошуви нималарда ўз аксини топади? Буни қарангки, одатда креативлик болалар фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ бу холат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишини кафолатламас экан. Ана шу холатда тарбиячи-педагог болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишини кафолатлаш учун энг самарали йўл креатив ёндошувни танлаши керак бўлар экан. Бунинг учун у болалар томонидан кўп саволлар берилишини рабbatлантириш ва бу одатни қўллаб қувватлаши, уларнинг қизиқишиларини эътиборга олиши, ҳар бир болада учрайдиган алоҳида қобилятни мақсадли йўналтира олиш йўлларини қидириб топиши керак бўлади.

Тарбиячи-педагог ижодий фаолиятини ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш ва таҳлил қилишга, шунингдек ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Тарбиячи-педагог муаммоли вазиятларни ҳал қиласар экан, масаланинг ечимини топишига ижодий ёндошиши унинг ҳиссий- иродавий сифатларининг ривожланишига ёрдам беради.



Америкалик психолог П.Торренс фикрича креативлик:

муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш;

фаразни текшириш ва ўзгартириш;

карор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;

муаммо ечимини топишда билим ва амалий харакатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди. Креативлик ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Шарқликлар креативликни эзгуликнинг қайта туғилиши деб тушунса, гарбликлар креативлик негизида қизикувчанлик, хазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд деб тушунадилар.

Кўпгина педагог-тарбиячилар ўзларида креативлик қобилиятлари мавжуд эмас деб ўйлайдилар. Бунинг икки хил сабаби бор: Биринчиси, кўп тарбиячи-педагоглар креативлик тушунчаси кандай маънони англатишини тўлиқ изохлай олмайдилар. Иккинчиси, креативлик негизида кандай сифатлар акс этишидан бехабар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб айтишимиз керакки, ёш тарбиячи-педагоглар ичида, айниқса Олий таълимда айнан мактабгача таълим тизими мутахассислиги йўналишларини тамомлаб келаётган битирувчилар ичида креативлик хусуиятларга эга бўлганлари кўп. Тарбиячи-педагогларнинг креативлиги турли хил шаклда намоён булади. Жумладан, уларнинг таълим жараёнида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиши мумкин бўлган ижод маҳсулотларини санаб ўтсак:

**Мултимедия** - бир неча кўринишидаги электрон шаклдаги график, рақамли овозли, матнли, видео, аудио, мусика, фотография, анимациялар ва бошқа ахборот узатувчи компьютер технологияларига таалуқли тушунча.

**Электрон альбом**- расмлар, суратлар, чизмалар ва уларнинг изохларини ўзида акс эттирувчи электрон шаклдаги тўплам.

Тарбиячи педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди.

Унинг ижодкорлик қобилияти мунтазам ўқиб ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шаклланиб боради. Бўлажак тарбиячи-педагогларнинг креативлик қобилияtlарига эга бўлишлари учун талабалик йилларида ёқ малакали устозлар томонидан пойдевор қўйиб борилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Хуроса қилиб айтганда тарбиячи-педагог ўз фаолиятига креатив ёндашув, яъни компьютер технологияларидан фойдаланиши билиши, болаларни машғулотларга қизиқтира олиши, янгиликлар яратиши, ёш авлодни етук, маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда билим ва маҳоратларини амалиётда қўллай олиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев «Педагогик компетентлик ва креативлик асослари» Т-2015.74-б
2. Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Холиқова «Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланиши» Т-2013. 15-б
3. Креатив педагогика Т-2016. 4-б